



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 20 март, жума, №30-31 (3676-3677).



>>> Президент

Президент янги Конституцияни имзолади

Қасим-Жўмарт Тўқаев янги Конституция қабул қилинишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Президент қароргоҳида ўтган тадбирда Бош вазир Ўлжас Бектенов, Парламент Сенати раиси Маулен Ашимбаев, Мажлис раиси Ерлан Қўшанов, Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин, Президент Маъурияти раҳбари Айбек Дадебай, Хукумат аъзолари, марказий давлат идоралари раҳбарлари, вилоятлар ҳамда Астана, Алмати, Шимкент шаҳарлари ҳокимлари, шунингдек, Конституциявий комиссия ва Умуммиллий коалиция аъзолари иштирок этди.

Тантанали маросимда Фахрий қоровул томонидан Қозоғистон Республикасининг янги Конституцияси олиб кирилди ва Давлат мадҳияси янгради.

Маросимда Референдум бўйича Марказий комиссия раиси Нурлан Абдиров янги Конституция лойиҳаси бўйича ўтказилган республика референдумининг якуний натижаларини эълон қилди.

Шундан сўнг, Давлат раҳбари Қозоғистон Республикаси Конституциясини имзолаб, «2026 йил 15 мартда қабул қилинган ҚР Конституциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни тасдиқлади.

Имзолаш маросими якунида Президент йирилганларга мурожаат қилди.

Тадбир сўнггида Қ. Тўқаев мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ фуқароларни давлат мукофотлари билан тақдирлади.



Akorda.kz.



КОНСТИТУЦИЯ РАСМАН 1 ИЮЛДАН КУЧГА КИРАДИ

Kazinform. Бу ҳақда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Конституция қабул қилинишига бағишланган тантанали йиғилишда маълум қилди.


– Барчангиз тарихимиздаги муҳим жараёнга гувоҳ бўлдингиз. Давлат раҳбари сифатида мен бутун халқ номидан Конституцияимизни имзоладим. Шунингдек, Конституцияни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонни ҳам имзоладим. Энди Конституция 1 июлдан бошлаб расман кучга киради. Конституция кунини эса давлат байрами сифатида миллий даражада ҳар йили 15 март куни нишонлаймиз. Мамлакат аҳолисини янги Конституция билан табриқлайман, – деди Президент.

Давлат раҳбари Конституция – давлатимизнинг узок муддатли мақсад ва вазифаларини белгилайдиган ва миллатимизнинг келажакдаги тақдирига бевосита таъсир кўрсатадиган тарихий ҳужжат эканлигини таъкидлади.

– Бу – ҳақиқатан ҳам Бош Қомусимиз. Унинг лойиҳаси таҳминан икки йил муқаддам ишлаб чиқила бошланди. Бугун биз ягона мамлакат сифатида миллат тарихида янги босқичга эришдик, сифат ва мазмун жиҳатидан туб ўзгаришлар даврига кирдик.

Кўни кеча мамлакатимизда умумхалқ референдуми муваффақиятли ўтказилди.

Фуқароларимиз ўз танловини амалга оширди. Халқимиз янгиланиш ва тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлади ҳамда умумий ишга улкан ҳисса қўшди. Буюк Абайнинг «Бирлик – тафаккурдаги ҳамжиҳатлик» деган насиҳати бежиз айтилмаган бўлса керак, – деди Президент.



Наврўз – янгиланиш ва яшарли фасли



Қадрли қозоқ эли! Мухтарам туркистонликлар!

Барчангизни Улуснинг улуг кунини – Наврўз байрами билан чин дилдан муборакбод этаман!

Наврўз – табиатнинг уйғониб, ҳаёт янгидан бошланадиган ой.

Наврўз – халқимизнинг энг асл қадриятларини улуғлайдиган, қалбларни бирлаштирадиган, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиладиган қадрли байрамдир.

Иқлим хусусиятларига кўра, Туркистон минтақасига баҳор эрта келади. Наврўзни нишонлаш ҳам мана шу ҳудуддан бошланади.

Анъанага мувофиқ, жорий йилда ҳам вилоятимизда Наврўз байрами 10 кун давомида сермазми тадбирлар билан нишонланмоқда.

Жорий йил Туркистон вилояти ташкил этилганига 8 йил тўлади. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев фармони билан Туркистонга алоҳи-

да мақом берилиши ҳудудимиз тараққиётига янги суръат бағишлади.

Туркистон шаҳрининг янги даври бошланиб, қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Давлат раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги минтақани обод қилиш, инфратузилмани яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш ишлари бир дақиқа ҳам тўхтамади.

Бугунги кунда вилоятимиз янада чирой очиб, замонавий маданият ва спорт иншоотлари, муҳташам бинолар барпо этилмоқда. Меҳнаткаш халқимиз Улуснинг улуг кунини эзгу ташаббуслар билан қарши олмақда.

Азиз ҳамюртлар!

Биз Президентимиз белгилаб берган тараққиёт йўлидан собит қадамлар билан ҳаракат қилиб, муқаддас ҳудудимизни янада юксак марраларга биргалликда кўтарамиз.

Вилоят саноатини ривожлантириб, сарможий жозибадор ҳудудга айлантириш йўлида барча савий-ҳаракатлар сифарбар этилмоқда.

Завод ва корхоналарни очиш, иш ўринларини кўпайтириш тадбирлари тизимли равишда олиб борилмоқда.

Шунингдек, Туркистонни Туркий оламнинг марказига айлантириш ва сайёҳликни ривожлантириш йўналишида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу марраларни эгаллашда халқимизнинг ҳиссаси беқиёс.

Наврўз – мана шундай меҳнатни қадрлайдиган, барака ва бирликни улуғлайдиган байрамдир.

Шу боис, барчангизга самимий миннатдорчилик билдираман.

Янгиланиш жарчиси бўлган Наврўз байрами ҳар биримизга янги имкониятлар ва эзгу ташаббуслар тақдим этсин.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, oilларингизга фаровонлик, меҳнатингизга барака тилайман!

Қозоғистонимиз гуллаб-яшнаб, Туркистон янада равақ топсин!

Наврўз байрами муборак бўлсин!

Нуралхан КҮШЕРОВ,
Туркистон
вилояти ҳокими.

Нурали АБИШОВ,
вилоят
маслаҳати раиси.

ДЎМБИРА НАВОСИ – НАВРЎЗ РУҲИНИНГ АКС-САДОСИ

КУЙ САДОСИ ОСТИДА БИРЛАШДИ ҚАЛБЛАР



ТУРКИСТОН ШАҲРИДА 500 НАФАРДАН ЗИЁД ЁШ ДЎМБИРАЧИ БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА КУЙ ИЖРО ЭТДИ

Наврўз байрами муносабати билан ўтказилаётган умуммиллий Наврўзнама ўн кунлиги доирасида вилоятимизда «Куй кўмбери» номли кенг кўламли маданий тадбир ўтди. Мазкур ташаббус ҚР Маориф вазирлиги томонидан илгари сурилиб, вилоят ҳокимлиги шафелигида амалга оширилди.

Вилоят марказидаги «Ипак йўли» боғида ташкил этилган концертда 300 нафардан зиёд ёш санъаткор бир вақтнинг ўзида дўмбира чалиб, миллий санъатнинг бетакрор намуналарини намойиш этди. Хусусан, ўқувчилар Қурмангазининг «Адай», «Сариарқа», «Балбыраун» каби машҳур куйларини ижро этиб, томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди.

Вилоят марказида қарийб 300 нафар бола жамланган бўлса, яна 200 нафардан зиёд ўқувчи ўз худудларида бир вақтнинг ўзида куй ижро этиб, ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Шу тариқа, бутун минтақа бўйлаб бир пайтада куй садолари янграб, миллий санъат кенг тарғиб этилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Мўътабар айём муборак бўлсин!

Хуш келибсан, башариятнинг боқий байрами. Мархабо, асрлар бағридан келган шодиёна, анъаналарни абадиятга айлантирган айём! Ушбу файзли, шодиёна кунларда гина ва аразлар, низо ва адоватлар унутилади, сумалак, ҳалим, кўк сомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхон атрофида тўпланиб, Наврўз неъматларини, байрам кувончини яқинларимиз, ёру биродарларимиз билан баҳам кўрамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамюртларимизга соғлиқ-омонлик тилаймиз. Нуроний оталаримиз, мунис оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин. Ака-ука, опа-сингилларимизнинг қалбдаги пок наътлари ижобат бўлсин! Осмонимиз мусаффо, тинчлик барқарор бўлган ҳаётимиз хайрли ва бардавом бўлаверсин!

Шерзод ПУЛАТОВ,
Астана шаҳар ЎЭМБ раиси, ҚХА кенгаши аъзоси.



Ҳар қунимиз Наврўз бўлсин!

Азиз дўстлар! Наврўз айёмини халқимиз орзиқиб кутади. Энг қадимий ва асл миллий байрам сифатида уни шундай ардоқлаб ўтказишимизда чуқур маъно мужассам.

Наврўзи олам ўлкамизга қадам қўйиши билан табиатнинг уйғониши, гул-чечаклар очилиши, ёру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўлаемиз.

Ҳурматли ҳамюртлар! Наврўзи олам барчангизга баҳор таровати бахт ва омад, соғлиқ ва саодат олиб келсин. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!

Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
Туркистон вилояти ЎЭМБ раиси.



Янгилашни фалсафаси, руҳият тимсоли

Халқимиз қалбига чуқур илдиз отган Наврўз инсон ва табиат уйғунлигини тараннум этувчи улғу қадриятдир. У ўз бағрида аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган эзгу анъаналарни, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни мужассам этган ҳамда ҳар бир хонадонга кут-барака ва шодлик улашади. Қиру адирларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Янгилашни – табиатга ҳам, жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Наврўздан Наврўзгача мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётини улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Қадрли ҳамюртлар! Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга бахт ва кувонч олиб келсин! Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошсин! Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Жавлон СОБИТОВ,
Қазигурт тумани ЎЭМБ раиси.



Келса гар, Наврўзи олам...



Наврўз – баҳорнинг илк нафаси, табиат ва инсон ҳаётида янги саҳифани очувчи ўзига хос байрам. Бу қадриятли ва қадимий анъана юртдошларимиз учун маънавий, миллий ва руҳий уйғонши рамзи сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Байрам табиатнинг уйғониши, ернинг яшилланиши билан боғлиқ. Бу кунда ҳар бир инсон ҳаётида ҳам янги имкониятлар ва умидлар очилишига ишонади.

Наврўзни Осиё, Африка ва Европа халқлари байрам сифатида азалдан нишонлаб келишади. XVIII асрда инглизлар ҳам янги йилни март ойида – айрим манбаларга кўра, 26 мартда нишонлаган. Қадимий Русда эса насроний динини қабул қилишдан аввал янги йил март ойида қарши олинган, Қозғоғистон ва Ўрта Осиёда эса эраимиздан аввалги VII асрдан Наврўз байрами анъанавий равишда нишонланган.



Мутафаккир олимларимиз: “Наврўз байрамида Хизр ота ҳар бир хонадонга бахт-саодат, илқ муносабатлар олиб келади, бу хонадонлардан қайғу, алам, ҳасрат ва хасталиклар узоқлашади”, деб ёзиб қолдиришган. Байрамни яхши кутиб олиш, оила ва жамиятда яхши кайфият, ҳамжиҳатлик ва тинчликни таъминлайди.

Наврўзда Қозғоғистон ва Ўрта Осиё халқлари ўзбек таомлари каби кўжа, сумалак, ҳалим ва палов пиширишади ва халққа тарқатадилар. Шунингдек, илгари Наврўздан бир ҳафта аввал катта тоғораларда 7 қатор қилиб, бугдой, маккажўхори, шоли, арпа, тарих, нўхот ва pista уруғларини экишган. Байрам кунини уларнинг униб чиққан кўкатларига қараб, шу йилги ҳосилнинг қандай бўлиши аниқланарди.

Наврўз ҳақида Шарқ олимлари ҳам кўп ёзишган. Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний бундан 1000 йил муқаддам “Наврўз дунёвий ҳайитларнинг энг биринчиси” деган бу вақтда барча тирик жонотлар – чуқулдан то туягача – насл қолдиришга қайғуради. Қишлаган бугдой уруғлари ўзининг яшил барглари кўради. Халқ ва табиат байрамни нишонлайди”, деб ёзган. Шу кун гина-аразлар унутилиб, йил давомида тинчлик бўлиши учун йўл очилади. Кўшнлар бир-бирининг хонадонларига кириб, байрам билан табрик-лашга ва яхши тилаклар билдиришади. Бу халқларнинг йил давомида бирликда, дўстликда ва аҳилликда яшашини аниқлатади.

Ҳозирги кунда кўпчилик Наврўз байрамини тўйхоналарда ўтказишмоқда. Бу ҳам бирлик ва иттифоқлик намунаси сифатида аҳамиятлидир. 2010 йил 19 февралда БМТнинг 64-сессиясида “Дунё маданияти” резолюцияси билан “Бутунжаҳон Наврўз кунини” қабул қилинди. Қозғоғистонда эса Наврўз 1988 йилдан халқ байрами даражасида нишонланиб,

шоду хуррамлик билан ўтказилади.

Наврўз – бу барчага шодлик, кувонч ва умид улашувчи ҳамда миллат ва элатидан қатъиназар, бир-бирини қадрлаш ва табриклаш байрамидир. Кўклам нашидаси билан Наврўз барчага бахт-саодат, порлоқ умидлар ва дўстлик олиб келсин.

Шу боис, Умар Хайёмнинг сўзлари жонли маънода бу байрамни тасвирлайди:

**Лоладек гул тут Наврўз айёми,
Лола юз ёрила хушдир дил юми.**

Наврўз – халқимиз руҳиятининг уйғониши, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг жонланиши, инсон ва табиатнинг уйғунлигини белгилувчи улғу байрамдир.

ВИЛОЯТИМИЗДА ИЛҚ НАВРЎЗ

Вилоятимиз ўзбекларининг маданий ҳаёти ва байрам анъаналари бой тарихга эга. 1980-90 йилларда миллий маданиятни сақлаш, ўзбек тили, маданият ва анъаналарни ривожлантириш учун зиёлилар ва жамоат арбоблари фаол ҳаракат қилганлар.

Шундай шахслардан бири – Собиржон Нурматов. У 1986 йилда миллий жамоат ташкилотини яратиб гоёсини илгари сурган.

“Ўзбек маданият маркази”нинг ташкил этилгани маҳаллий халқимиз учун муҳим тарихий воқеа бўлиб, унинг ўз тили ва урф-одатларини сақлаш учун жамоат ҳаракати бошланиши бўлди.

Бу марказ ва унинг фаоллари, албатта, Наврўз байрами каби миллий байрамларни ҳам кенг оммалаштириш, жамоат билан бирлаштириш ва маданий тадбирлар ўтказишда муҳим аҳамият касб этган бўлиши табиийдир. Уларнинг меҳнати маҳаллий жамоат маданий ҳаётини бойитишга ҳамда ўзбек маданий меросини келажак авлодларга етказишга қаратилган.

...1989 йил 17 декабрь кунини вилоят филармонияси (Шимкент шаҳри)да 500га яқин миллатимиз вакиллари иштирокида «Ўзбек маданият марказининг таъсис қирилди» очилди ва у халқнинг миллий байрамига айланди. Қурултойда миллатимиз олдида турган қатор долзарб муаммолар, жумладан, тилимизни, урф-одатларимизни сақлаш, анъаналаримизни тиклаш ва ривожлантириш, Ўзбекистон ва чет эллардаги ўзбек миллати вакиллари билан бордикелди, маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш, мавжуд муаммоларни тегишли ташкилотлар (давлатлар) билан ҳамкорликда ҳал қилинишни жадаллаштириш, таълим-тарбия, маориф, ўзбек тилида телекўрсатувлар ташкил қилиш, миллий рўзнамо чоп этиш, «Ўзбек драма ва комедия» театри очиш, Наврўз байрамни кенг

нишонлаш ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинди. Қурултой иши давомида миллатимиз вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шу аснода, қурултой ечимини кутаётган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Муаммоларнинг ечимини тезлаштириш мақсадида жойларда «Ўзбек маданият марказлари» очилди, унда жанубий-қозғоғистонликларнинг таърибиси қўл келди. Тожикистон ва Қирғизистонда ўтган анжуманларда вакилларимиз иштирок этди. Қурултойда кўтарилган масалаларни Қозғоғистондаги ўзбеклар муаммосини давлат муаммоси даражасигача кўтариб, Ўзбекистондаги «Қозғоқ маданият маркази» раиси Артиқ Укибаев билан ҳамкорликда, Ўзбекистон ва Қозғоғистон Президентларига халқимиз олдида турган муаммоларини ҳал этиш масаласи юзасидан мурожаат қилишди. Бу мурожаат эътиборсиз қолмади. Натижада, икки миллат – Қозғоғистондаги ўзбеклар ва Ўзбекистондаги қозғоқлар муаммолари Собиржон Нурматов ва Собиржон Нурматов бошчилигидаги ташаббускор гуруҳга қийиндан ёрдам берган ажойиб миллатпарвар, халқпарвар инсонларни афсуски, бирма-бир санаб ўтиш имконияти йўқ.

Бу халқпарвар инсон ўзидан кейин ёруғ из қолдири. Юқорида тилга олинган ишлар, албатта, тарих зарварақларида мангу қолади.



раҳбарлари Н. Назарбаев ва И. Каримовларнинг 1991 йил ёздаги Туркистон шаҳрида ўтган дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик ва бошқа масалаларга бағишланган учрашувида ечимини топди. Бу ҳам миллатимиз тарихида муҳим воқеа бўлди.

Шундай қилиб, «Ўзбек маданият маркази» миллатлар орасида тинчлик – тотувликни сақлаш, дўстлик алоқаларини ўрнатиш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

Ишонarli манбаларнинг хабарига кўра, Ўзбекистондаги «Қозғоқ маданият маркази» раиси Артиқ Укибаев Собиржон Нурматов ишлаб чиққан дастурдаги ҳаракатлар режаси билан Ўзбекистон Президенти И. Каримовни таништиради. Дастурнинг мукамаллиги шунчалик эканки, Ўзбекистон раҳбари Укибаевнинг ўз маслаҳатчиси лавозимига тайинлайди.

Вилоятимизга Ўзбекистондан шир ва ёзувчилар, санъаткорлар тез-тез ташриф буюриб туришди. Жумладан, шоирлар Эркин Воҳидов, Мирзо Кенжабек, ёзувчи Ўткир Ҳошимов, таниқли адабиётшунос олимлар, профессор Умарали Норматов, филология фанлари номзоиди Саъдулла Сиёев ва бошқалар. Бу учрашувларни уюштиришда ада-

биётшунос олим, фалсафа фанлари номзоиди Умринисо Мусаеванинг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Юлдуз Усмонова, Камолдин Раҳимов, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, Кумуш Раззоқова, сўз усталари Обид Асомов ва бошқалар санъати билан халқимизни хушнуд этдилар.

Санъаткорларимиз ва миллатимиз вакиллари тумандан тортиб, республика миқёсидаги байрам ва анжуманларда иштирок этиб, халқ олқишига сазовор бўлди.

Ўзбек маданият маркази республика миқёсидаги ўзбеклар муаммоларини кўтарганлиги ва айримларини ҳал этиш билан биргаликда, маҳаллий раҳбарлар нафақат вилоят миқёсида, балки расмий равишда шаҳар миқёсида қонунлаштирилди. Уларнинг олдида улкан вазифа – ташкилотни вилоят миқёсида расмийлаштириш вазифаси турарди.

Ташкилот олдида турган муаммоларни ҳал этишда Собиржон Нурматов бошчилигидаги ташаббускор гуруҳга қийиндан ёрдам берган ажойиб миллатпарвар, халқпарвар инсонларни афсуски, бирма-бир санаб ўтиш имконияти йўқ.

Бу халқпарвар инсон ўзидан кейин ёруғ из қолдири. Юқорида тилга олинган ишлар, албатта, тарих зарварақларида мангу қолади.

Собиржон аканинг хизматини халқ унутмайди. Зеро, тарихини унутган жамиятнинг келажаги йўқ.

Физика-математика фанлари номзоиди бўлса ҳам Собиржон Ҳамид ўғли маданият соҳасида юқори чўққиларга кўтарилган оташнафас жамоат арбоби эди.

Таъкидлаш жоизки, Собиржон Нурматов миллий маданий марказ тузиш гоёсини билан 1986 йили чиққан, унинг жонбозлиги ва саъй-ҳаракатлари билан 1989 йили Жанубий Қозғоғистон вилоят ўзбек маданият маркази ташкил этилган. Бош мақсад – шу даврда қозғоғистонлик ўзбекларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутишини ва юрт истиқболни, равнақи, сиёсий барқарорлигини мустаҳкамлашда салмоқли ҳисса қўишлари учун шароитлар яратиш эди. Бугунги кунда марказнинг барча фаоллари С. Нурматов очган йўлдан боришяпти.

Ҳечдан кўра кеч яхши, деганларидек, ушбу мақола туртки бўлиб, қаҳрамонимизнинг хотирасини абадийлаштиришга бағишланган қатор тадбирлар амалга оширилса, деган умиддаман.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ.

»»» Акс-садо

БАРҚАРОР ВА ҲУҚУҚИЙ МАМЛАКАТ САРИ

Алишер СОТВОЛДИЕВ, Қозғоғистон Республикаси Парламент Сенати депутаты:

– Халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа – Конституцияимизни ислоҳ қилиш ва унинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимиз учун янада юксак босқични очди. Бунинг амалга оширилган тизимли ишлар ва 15 март кунини ўтказилган референдум натижаларидан ҳам кўриш мумкин. Референдум орқали “Қозғоғистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун оммавий равишда қўллаб-қувватланди ва Асосий Қомус сифатида рўёбга чикди.

Шу тариқа, халқимиз қўллаб-қувватлаган бу муҳим босқич мамлакатимизда ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш ва ёшларимиз учун барқарор келажакни таъминлашга хизмат қилади.

Ж. МАУЛЕНҚУЛОВ, вилоят фахрийлар кенгаши раиси:

– 15 март кунини ўтган референдум – тарихий ва муҳим воқеа бўлди. Ватанимизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайдиган янги қонунларни мамлакат фуқаролари қўллаб-қувватлади. Бу овоз ҳар бир фуқаронинг масъулияти, келажак авлод учун ёрдам ва барқарор ҳаётга ҳиссамиз. Фахрийлар вакили сифатида мен бу воқеани юксак қадрлайман ва ёшларимиз учун намуна, деб биламан.

Жамол ҚОДИРОВ, Тўлебий туман ЎЭМБ раиси:

– Инсон қадрини амалда юксалтириш тамойили давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифасига айланди. Бунинг фуқароларнинг сайлов ва референдумга оид ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлаш борасида собитқадамлик билан амалга оширилаётган ишлар кўлими ва самаралари ҳам кўрсатиб турибди.

Президентимиз жорий йил 15 март кунини имзолаган “Қозғоғистон Республикасининг Конституцияси” бунинг ёрқин мисолидир.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг ёшларга мурожаатида таъкидлаганидек, референдум – тарихий имконият ва айниқса, ёш авлод учун муҳим лаҳза, чунки улар мамлакатнинг келажакни барпо этиш вазифасини зиммасига олдилар. Шу билан бирга, Президент ёшларни тотувлик, меҳнатсеварлик, қонун ва билим устувор жамият қуришда фаол бўлишга чақирди.

Сабирхан АЙДАРХАНУЛИ, бокс бўйича жаҳон чемпиони:

– Референдум кунини овоз бериш ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаронинг референдум участкасига бориб, Ватанимиз, халқимиз ва фарзандларимизнинг келажакни тақдирга дахлдорлик туғйуси билан шахсан овоз бериши – юксак фуқаролик бурчи.

Янги Қозғоғистон “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” эзгу гоёсини негизда барпо этилмоқда. Ушбу улғувор мақсад халқимизни янгидан-янги марралар сари руҳлантириши шубҳасиз. 15 март кунини ўтган референдум ана шундай буюк мақсадга эришишда муҳим омил бўлди.

Шарипбек ЖАМАЛБЕК, жамоат арбоби:

– Референдум халқимизнинг сиёсий онги ва фуқаролик масъулияти юксак даражада эканини яна бир бор намоён этди. Бу муҳим сиёсий жараён орқали юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар халқ томонидан атрофлича қўллаб-қувватланди.

Янги Қозғоғистонни барпо этиш йўлидаги ушбу тарихий қадам жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон қадрини улғулаш ва адолатли давлат барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор яратади. Энг муҳими, бугунги қарорларимиз эртанги авлоднинг фаровон ва барқарор ҳаётга замин яратади.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари



ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

КЕНТОВ ШАҲРИДАГИ 17-СОНЛИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ МАКТАБ ДИРЕКТОРИ НОДИРЖОН ТУРСУНОВ БИЛАН МУСОҲАБА



– Ҳурматли Нодиржон Саидқарим ўғли. Халқимизда “Излаган имкон топади”, деган нақл бор. Қисқа муддат ичида сиз раҳбарлик қилаётган ушбу таълим даргоҳида ички имкониятлар ҳисобидан мактаб мажлислар зали бунёд этилди. Буюк адиб Алишер Навоийнинг 585 йиллиги шаҳар миқёсида ажойиб тарзда ташкил этилди. Шу даргоҳда меҳнат қилган фахрий устозлар байрамда дийдор кўришиб, ташкилотчиларга дуои-фотиҳа қилишди. Кунни кеча умумхалқ референдумида кентовликлар илк марта мактабнинг янгидан жиҳозланган фойесига бош Қомусимизни кўлаб, овоз берди. Интилганга толе ёр. Шу хайрли ишлар ташкилотчиси сифатида сизга муштарийлар номидан миннатдорчилигимизни билдирамыз. Ушбу ўқув даргоҳида кўп йил муқаддам ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси, марҳум Гофур Қосимов раҳбарлигида ҚР Таълим вазирлиги иштирокида республика миқёсида анжуман ўтганлиги, шаҳар УЭМБ раиси Санобар Самиева ҳамда устоз Лутфия Аминова ташкилотчилигида Навоий таваллуди шодийнаси халқро миқёсда ўтказилганлиги шонли тарих.

– **Мактабнинг бугунги ҳаёти, режалари ҳақида маълумот берсангиз.**



– Давлатимиз томонидан таълим тизимига кўрсатилаётган ғамхўрлик натижаси – 520 ўринли мактабимизда 430 ўқувчи бир сменада таҳсил олмақда. Уларга 58 нафар олий маълумотли тажрибали устозлар жамоаси сифати билан ва тарбия берилади. 1958 йили бунёд этилган мактабимиз дастлаб Ибрай Алтинсарин номи билан юритилган. Собиржон Бекмуродов, Мамирхон Мадихонов, Султон Тошпўлатов каби менга қадар меҳнат қилган заҳматқаш раҳбар устозлар аъёнларини изчил давом эттириб, янги

довонларга эришиш бош мақсадимиз. Устозлар аҳли ёш авлодга бугунги талаб даражасида билим бермоқда.

– **Кутубхона тизимида 36 йилдан буюн самарали меҳнат қилаётган Марҳабо Дўсметова ташаббуси билан мактаб кутубхонасида “Жанубий Қозоғистон” нашри обунаси намунали ташкил этилганлиги дилни қувонтиради. Мактаб кутубхонасида газетамиз тахлами ҳафсала ила ташкил қилинганлиги бошқа мактаб кутубхоналари учун ўрнак. ҚР мустақиллиги тенгдоши бўлган**

“Жанубий Қозоғистон” нашри апрель ойида 35 ёшга тўлади. Тилак тақдирларингиз...

– Давлатимизнинг тинчлик, тотувлик, эл бирлиги сиёсатини ҳамда она тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимизни ёш авлодга 35 йилдан буюн тарғиб этаётган “Жанубий Қозоғистон” газетасининг ўрни, аҳамияти ўзгача. Янгиликлар, ахборотлар тезкор равишда батафсил эълон қилинаётганлиги учун жамоамиз номидан таҳририятга миннатдорчилигимиз чексиз. Келаси ярим йилликка обунаси масаласида жамоамиз билан бамаънаво ҳолда ижобий кўрсаткичларни давом эттирамыз, деб ишонаман. Таҳририят журналистлар жамоасига мустақкам саломатлик, янги ижодий ютуқлар ҳамроҳ бўлишини тилайман.

– **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: мактаб директори Нодиржон Турсунов; мактаб кутубхонаси тажрибали мудириси Марҳабо Дўсметова; А. Навоийнинг 585 йиллиги тадбиридан лавҳа; мактаб биносининг умумий кўриниши.

Муаллиф суратга олган.

»» Тарих ва тақдир

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ЖОНКУЯРЛАРИ – СИЁСИЙ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Маърифатпарвар зиёли Саидносир Миржалилов XX аср бошларида Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги етакчи арбобларидан бири эди. У жадидчилик ҳаракатининг ёрқин вакили ҳамда асосчиларидан бўлган. Тижорат тадбиркорлик фаолиятида кўп ишончли ҳамкорлари бўлган, улар ичида энг нуфузлиларидан бири Мирзараим Отабоев эди.

Саидносир Миржалиловнинг яқин қариндоши Мирзараим Отабоевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни тадқиқотчи олим Наим Каримовнинг илмий мақоласидан олдик. 2023 йили Тошкент шаҳрига ташриф буюриб, “Шаҳидлар хотираси” сиёсий қатағон қурбонлари хотираси музейи директорига мурожаат этиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (ДХХ) архивидан тўлиқ маълумотларга эга бўлдик.

Мирзараим Отабоев 1870 йилда Туркистон шаҳрида туғилган. 1908-1910 йиллар оралигида саноат савдоси билан шуғулланган, 1910-1912 йилларда энг йирик тадбиркорлардан бирига айланган. Минглаб бош чорва молларига эгалик қилган. Мирзараим Отабоев, асосан, чорвачилик соҳаси ва тижорати билан шуғулланган. Туркистон атрофидаги қозоқ овуллари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Арғин қабиласининг тобиқти уруғи қоқоқли – Қодир исмли шахсининг қизига (Чипон кишлоғидан) уйланди. Бир неча йил ўтиб, Шаян округининг сойқаб волост бошлиғининг қизи билан турмуш қургани маълум.

1912 йилга келиб, Мирзараим Отабоевнинг Туркистон шаҳрида 4 та саноат-тижорат дўконлари бўлган. Кейинчалик бу дўконларнинг барчаси совет ҳокимияти томонидан мусодара қилинган. 1914-1915 йилларда Мирзараим Отабоев яқин ҳамқори Саидносир Миржалилов билан биргаликда хар бири 15 минг рубдан сармоя сарфлаб, шаҳарда биринчи пахта тозалаш корхонасини очдилар. Корхона бунёд этилиши билан Туркистонга электр қуввати ва ёруғи ҳам келди. Мирзараим Отабоев 1918 йилгача пахта тозалаш корхонасини бошқарган.

Мирзараим Отабоевнинг сиёсий фаолияти ҳақидаги маълумотлар кам. У Саидносир Миржалилов каби сиёсатда ўта фаол шахс бўлмаган. Лекин, Туркистон жамиятининг зиёли фуқароси сифатида жадидчилик ва пантуркизм ривожига муҳим аҳамиятга молик бўлганлиги шубҳасиз. 1917 йилда М. Отабоев Туркистон автономияси эҳтиёжига 300 000 рубль миқ-


ҲАМЗА НОМЛИ МАКТАБ АСОСНИ ИЯРАТГАН МАЪРИФАТПАРВАР САИДНОСИР МИРЖАЛИЛОВ ВА УНИНГ ҲАМКОРЛАРИ ҲАҚИДА



дорида катта маблағ хайрия қилган. Тижорат – савдо сафарлари ҳамда қариндошлик алоқалари туфайли у Тошкент шаҳрига ташрифи чоғида ўша даврнинг илғор зиёлилари ва сиёсий арбоблари, хусусан, “Шўрои Исломия” партиясининг раҳбари Мунаввар қори Абдурашидхонов, Туркистон (Қўқон) автономиясининг асосчиларидан бири, ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев каби йирик арбоблар билан яқин дўстона алоқада бўлган.

1918 йили большевиклар Туркистондаги пахта тозалаш заводини мусодара қилганларидан сўнг, Мирзараим Отабоев чорвачилик билан шуғулланишни бошлади. У ўз чорва молларини Фарғона водийсининг Бешариқ ҳудудига кўчирган. 1923-1926 йилларда М. Отабоев С. Миржалилов ва бошқа ака-укалари ҳамкорлигида ташкил этган “Туркистон” савдо-саноат ширкатига фаолият юритган С. Миржалилов билан бирга “Қумак” ташкилотини моддий қўллаб-қувватлайди. Таълим-маърифат соҳасида Туркистон ва Тошкентдан ўзбек ва қозоқ ёшларини Германияга ўқишга юборишга муносиб ҳиссасини қўшган. 1926 йилда большевиклар Мирзараим Отабоевдан 400та қўй, 100га яқин йирик қорамол, кўллаб от ва туяларни мусодара қилдилар.

Кетма-кет рўй берган аёвсиз мусодара Отабоевлар оиласининг моддий аҳволини кескин заифлаштиради. 1926 йилда у ака-укалари билан Андижон шаҳрига кўчиб боради. Мир-



зараим дастлаб этиқдўз, кейинчалик новвой бўлиб ишлади. 1926-1929 йилларда чорвачилик тижорати билан шуғулланади. 1928 йилда Туркистонга ташрифи чоғида НКВД органлари томонидан ҳибсга олинади. Яна мулк мусодараси бошланиб, 450та қўй, кўллаб от, сигир, туялари давлат ҳисобига тортиб олинди. 1930-1932 йиллари очарчиликда Туркистон шаҳри ҳамда Чипон, Иқон, Чўрноқ, Сувноқ, Қорачиқ кишлоқлари аҳолисига моддий ва озиқ-овқат ёрдамини кўрсатади. Шу саховати учун халқ орасида Мирзараимбой номи билан донг таратган. 1932 йилда ундан барча мулк, хусусан, катта оиласи яшаб келган уй ҳам мусодара қилинди. Мирзараим Отабоев 1932 йилдан Тошкентда яшай бошлади. 1932-1935 йилларда рўзгор тебратиш учун этиқдўз бўлиб ишлади. 1935 йилдан умрининг охиригача “Қизил соатсоз” артелида тунги қоровул бўлиб меҳнат қилди.

И. В. Сталин даврида Совет ҳукумати М. Отабоевнинг бой тижоратчи бўлгани, Туркистон автономияси ва “Шўрои Исломия” партиясининг раҳбарияти ва қариндоши Саидносир Миржалилов билан алоқалари сабабли уни таъқиб қилиш давом этди. Ўз ССР Жиноят кодексининг 66-моддасига асосан, 1937 йил 10 августда уни қамоққа олиш учун фатво берилди. Ҳибс ҳужжатларида унинг оила аъзолари – хотини, икки ўғли, икки қизи ва укаси қайд этилган. Укаси Тожимат Отабоев отув жазосига ҳукм қилинган. 1937 йил

17 август кунини суд-тергов амалларисиз “учлик” орган қарори билан Мирзараим Отабоев ўлим жазосига ҳукм қилинди. Машҳум ҳукм 26 август кунини Тошкентда амалга оширилди.

1989 йили 6 июль кунини Ўзбекистон ССР Олий суди Мирзараим Отабоевга нисбатан барча айбловларнинг ғайри қонуний эканлигини далиллаб, уни тўлиқ оқлади. Архив ҳужжатлари орасида Мирзараим Отабоевнинг ягона сурати топилиб, у мазкур мақолага илова қилинмоқда.

ХУЛОСА

XX аср бошлари Марказий Осиё ва турк-муслмон олами тарихида энг динамик ва зиддиятли даврлардан бири бўлди. Бу давр чуқур ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, модернизацияга интилиш, миллий ўзликни англашнинг уйғониши ва зиёли элитанинг фаоллашуви билан ажралиб туради. Аъёнанинг институтлар инқирози ва мустақиллашувчи босимининг кучайиши шароитида жамият тараққиётининг янги йўллари излаш жадидчилиги ҳаракатининг шаклланишига олиб келди. Маорифпарварлар, педагоглар, ёзувчилар ва жамоат арбобларини бирлаштирган жадидчилик янги миллий элиталарнинг шаклланиши учун ғоявий ва ташкилий асос бўлиб хизмат қилди. Уларнинг мафкураси марказида таълимни янгилаш, муслмон халқларининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, жамоат институтларини ислоҳ қилиш, сиёсий автономия ва мустақилликка эришиш ғоялари турар эди. Бу нуқтаи назардан туркистонлик Саидносир Миржалилов ва Мирзараим Отабоев фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу шахсларнинг ҳаёт йўли жадидчиликнинг ички эволюциясини чуқурроқ англаш имконини беради. Туркистон автономиясининг ҳазинадори бўлган Саидносир Миржалилов ҳамда нуфузли оила вакили, тадбиркор ва жамоат арбоби Мирзараим Отабоев миллий тафаккурга эга зиёли типини намойён этган бўлиб, улар маданий аъёнларга содиқликни модернизация ғояларига очиқлик билан уйғунлаштириш билан уларнинг фаолияти Туркистон автономияси тасо-дифий ҳодиса эмас, балки минтақада миллий-сиёсий тафаккурнинг етилиб борган қонуний натижаси бўлганини кўрсатади.



Саидносир Миржалилов ва унинг сафдошлари Энвер-пошо, Мустафо Чўқай ҳамда турк дунёсидаги бошқа арбоблар билан муносабатлари тигиз бўлган. Бу алоқалар жадидчилик ва пантуркизмни ўрганиш географиясини сезиларли даражада кенгайтиради ва туркий халқларнинг миллий уйғониш ҳамда маданий бирлик ғоялари Марказий Осиё доирасидан анча кенг эканини кўрсатади. Бундан ташқари, ушбу муносабатлар XX аср бошларида Россия империяси ва Фарб давлатларининг мустақиллашувчи ва мафкуравий босими шароитида ҳам қозоқ, ўзбек, турк, татар ва бошқа теги туркий халқлар ўртасидаги маънавий-сиёсий алоқаларнинг мустақкам бўлганини ифодалайди.

Совет ҳокимияти даврида жадидлар ва автономия иштирокчиларининг аянчи тақдирини Марказий Осиё зиёли ва маънавий элитасига қарши репрессиялар қанчалик кўламдор бўлганини кўрсатади.

Саидносир Миржалилов, Мирзараим Отабоев ва туркистонлик жадидларнинг бошқа вакиллари ҳақидаги хотира тарихий ўтмишга ва миллий ўзлигини англаш жараёнига қизиқиб қайта тикланаётган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этади.

Келгусида архив материалларини тизимлаштириш, Германия ва Туркия архивларидаги ҳужжатларни ўрганиш, фанларро тадқиқотларни ривожлантириш жадидчилик ҳаракати шонли тарихининг биз билмаган янги саҳифаларини кашф этади.

Рустам РАШИДОВ, Расул Исетов номидаги 20-сонли умумтаълим мактабнинг тарих фани ўқитувчиси.

Тасвирларда: муаллиф Р. Рашидов; Ҳамза номли мактаб асосини бунёд этган маърифатпарвар меценат Саидносир Миржалилов; С. Миржалиловнинг маслақдоши ва ҳамқори Мирзараим Отабоев.

Муаллиф архивдан.

Элга ризқ-рўз улашиб, тандир нонни ушатиб

Қадриятларинг

боқий бўлсин,

Наврўз!



*Наврўзи
олам муборақ!*

Мана, барчамизга кувонч ва шижоат бағишлаб, қаблиримизни эзгу ният ва орзуларга тўлдириб юртимизга Наврўзи олам кириб келди. Ушбу қадимий байрамнинг руҳи мужассам бўлган борлиқни асраб-авайлаш, табиат билан уйғун бўлиб яшаш, меҳр-оқибат, хайрли саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари юксак гоғлар бугунги кунда янада теран аҳамият касб этмоқда. Ана шу муқаддас оғларда вилоятимизнинг барча меҳнаткаш ва бағрикенг халқини янгилашни айёми, яратувчанлик ва гўзаллик рамзи, шарқона янги йил – Наврўзи олам билан чин қалбимдан қутлайман!

Байрам муборақ, азизлар!

Арофат СУЛАЙМОНОВА,
“Арофат она” болалар боғчаси мудариси.



*Энг ардоқли
айём муборақ
бўлсин!*

Наврўз – халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, энг ардоқли байрамдир.

Азиз ҳамюртлар! Она диёримизга барчамиз орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар фасл, янгилашни айёми – Наврўзи олам кириб келмоқда. Ана шу улғ айём билан каттаю кичик юртошларимизни чин қалбимдан самимий муборақбод этаман. Муҳтарам дўстлар, ҳамюртлар, қардошлар! Ушбу қутлуғ кунда сизларга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, оғларингизга тинчлик-хотир-жамлик, файзу барака тилайман!

Шерали УСМОНОВ,
“Тассай қўс” МЧБ директори.



*Ҳуснинг
улуғ қуни
қутлуғ бўлсин!*

Бугун Наврўз саховатидан ҳар биримиз баҳраманд ва ошўфтамиз. Наврўз – баҳор ва уйғонш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир. Табиат яшарар ва яшнар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Наврўз одамзод билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги умид ва орзулар бахш этади. Наврўз – янги кун, янги йил, янги ташаббусларнинг дебодиси демаскир. Янги Қозоғистонга байрамлар ярашади. Шу боис, умумхалқ байрам теран ва чинакам мазмунга бой.

Қадрили ҳамюртлар! Наврўз ҳар бир хонадонда дўстлик, ўзаро ҳурмат ришталарини мустаҳкамласин. Ҳар бир оғлага бахт, тўқинлик ва шодлик улашаверсин!

Баҳодир МИРЗАХМЕДОВ,
Енбекши тумани УЭМБ раиси.



*Наврўзни
улуғлаш –
инсонни улуғлашдир!*

Ҳа, яна чор-атрофда Наврўз руҳи намён бўлмоқда. Қалбларимиз ана шу ёруғ кунларга, гўзал ва фусункор ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз учун шукроналик тўйгуларига тўлиб-тошаётмир. Мана шу дилбар фаслда инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтожларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби ноёб фазилатлар қалбларга илқик бағишлайди, доим яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга ундайди.

Азиз ва муҳтарам ҳамюртлар! Барчангизни Наврўз айёми билан табриклаб, қалбимдаги энг самимий тилакларимизни изҳор этаман. Наврўз сизга баҳор қўши ва илқ кунлар, омад ва фаровонлик олиб келсин!

Асқар УМАРАЛИЕВ,
109-сонли Атоий номли умумий
урта мактаб директори.

Кўклам остонасида Наврўз эшик қоқиб турибди. Бугунги Янги Қозоғистонда инсон қадри юксалиб, сувимиз ва табиатимизга эътибор кучайди.

Наврўз – асрлар давомида халқимиз, ҳар бир оғла, ҳар бир хонадон орзиқиб кутади-ган хурсандчилик ва гўзаллик айёмидир. Бу байрам деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, инсонлар ўртасида тинчлик, яхши қўшничилик ва меҳр-оқибатни уйғотиш учун омил бўлди.

Юртимизда Наврўз азалдан оммавий сайил сифатида нишонлаб келинган. Лапарлар, ҳазил-мутойба, қўшиқлар, халқ термалари, аския пайровлари янграган. Дор-бозлар ва масхарабозлар ўз санъатини намойиш этган. Улоқ чопиш, кўпкари, кураш, мерганлик каби турли томошалар ўтказилган. Ялпиз, исмалоқ ва бошқа кўкатлар солинган кўклам таомлари эл-улус билан бирга баҳам кўрилган.

Наврўз таомлари орасида сумалак алоҳида ўрин тутди. Сумалак сайли – Наврўзнинг ана шу шохона таомини тайёрлаш ва сумалакхўрликка бағишланган маросимдир. Бунда сумалак қозони атрофида сўхат-гурунглр қи-



зиган, қўни-қўшни эртак ва латифалар айтишган, ўйин-қулги қилишган. Минг йиллар давомида нишонлаб келинаётган сумалак сайли ҳозирги кунда ҳам кишиларни ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамликка чорлайди.

Экин сайли – дала ишлари мавсумининг бошланишига бағишланган байрам. Бу кунлари далага қўш чиқариш ва ерга уруғ қадаш маросими ўтказилган. Яхши ният билан ерга уруғ қадалган, гуллар, кўчатлар экилган, ободончилик ишлари олиб борилган.

Юрт оқсоқоллари янги йилнинг баракали ва серҳосил келишини тилаб дуо қилганлар.

Ёши улғ инсонларнинг дуосини олиш, кўмакка муҳтожларга бегараз ёрдам бериш аънанаси ҳам бу улғ байрамнинг ажралмас қисмидир.

Наврўз юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг энг яхши аънагалари, санъати, дўстлиги ва биродарлиги ўз аксини топган оммавий шодиёнадир.

Ота-боболаримиз, мою оналаримиз орзу қилган Наврўз она диёримизга фусункор таровати ила ташриф буюрмоқда. Бундай шукўхли дамларда ҳар биримиз табиатдан баҳра олиш, қалбдаги энг эзгу тўйгу ва тилаклар, орзу ва умидларни юзага чиқаришни истаймиз.

Муқаддам
КАРИМШИҚОВА,
12-сонли шаҳар
шифохонасининг
тиббийёт ҳамшираси.

»» Ойнома

ҲАМАЛ

ЎЗБЕКЧА – ҚҮЙ, ФОРСЧА – БАРРЕ,
РУСЧА – ОВЕН, АРАБЧА – ҲАМАЛ.
МУДДАТИ 22 МАРТДАН 20 АПРЕЛГАЧА, 30 КҮН
ШУ МУДДАТ ОРАЛИҒИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР
БУРЖ ҲИСОБИДА ҚҮЙДИР.

Ҳар йили 22 мартдан бошлаб мамлакатимиз, Марказий Осиё давлатлари ҳудудида, қолаверса, бутун Ер шарининг ярим палласида баҳор фасли, яъни Наврўзи олам бошланади. Бу вақтда Қўшнинг тик келиши жадаллашиб, иссиқ кунлар бошланади. 22 мартдан бошлаб кеча ва кундуз тенглашади. 31 апрелдан куннинг узунлиги ўн беш соатдан оша бошлайди.

Ҳар бир ой, ҳар бир фаслнинг ўзига ҳос таомли ва қонуниятлари мавжуд. “Ҳамал кирди, амал кирди”,



дейдилар. Далалар, қир-адирлар, тоғлар фусункор манзара касб этади, ўт-ўланлар гурқираб ўсади, лалмикор ерларда майсалар мавж уради, ҳамма ёқни зумрад поёндозлар безайди, чучмома, бўтакўз, қоқи каби юзлаб гулчечаклар очилади. Сал кейинроқ қизғалдоқлар алвони бу латофатни янада

оширади. Турналар арқони жанубдан шимолга тортилади. Сайроқи қушлар кўпаяди. Сасиқпопишак, қалдирғоч, заргалдоқ, энг сўнгида кўк қарга иссиқ ўлкаларга қилган сафаридан қайтиб келади. Халқ орасидаги “Кўк қарганинг келиши – совуқнинг туғаш”, дейилгани бежиз эмас-да.

Маълумки, баҳорда кишидаги ҳолсизлик тана учун зарур бўлган дармондориларнинг қиш ойлари давомида камайиб кетиши тўфайли содир бўлади. Баҳор гиёҳлари эса шу зарур дармондориларнинг айнан ўзгинаси ҳисобланади. Улардан уч-тўрт марта тўйган одам бирданга куч-қувватга тўлади.

Хут ана шундай неъматлар қонини яратиб, Наврўз шодиёналари ва меҳнат кўтаринчилигини авжига чиқариб, фасли навбаҳорни ҲАМАЛга топширади. Халқ таъбири билан айтганда, ҲАМАЛ киради – амал киради.

Хайрулла ҚОСИМОВ,
“Фасллар хосияти”дан.

Наврўз руҳини намён этган янги премьераси

Қўшли баҳор байрами – Наврўз арафасида Шимкент шаҳар ёшлар театри томошабинларга ўзгача совға тақдим этди. Театр жамоаси миллий аънагалар ва маънавий қадриятларни тарғиб қилиш мақсадида “Ўлыстың улы куні” номли этнофольклор сахна асарини сахналаштирди.

Спектаклнинг режиссёрлари – Қуандиқ Қосимов, Алибек Қўсубак, бадий раҳбар Мўлдирид Зияева. Ижодий жамоанинг ушбу сахна асари қозоқ халқининг бой маданий меросини тарғиб этиш ва ёш авлоднинг миллий қадриятларга ҳурматини уйғотишга қаратилган.

Спектакль табиатнинг ян-

гиланиши ва уйғониши, кун ва тун тенглашиши, янги йилнинг келишини бадий образлар орқали таъсирчан тарзда тасвирлади. Умай Ана, Хизир Бобо, Бахши, От Бикеш ҳамда Ақпан-Тўқпан каби афсонавий қахрамонлар сахнада болаларни эзгулик, бирлик ва ҳамжиҳатликка чорлади.



Шунингдек, спектаклда миллий қўшиқ ва рақслар, шеърлар, халқ ўйинлари ва топишмоқлар кенг қўлланилиб, томошабинлар, айнисқа, ёш болаларнинг фаол иштирок этиши учун имкон яратди. Қозоқ халқининг қадимий аънагалари – дуо қилиш, оловга мой қуйиш, миллий ўйинлар ва катталарга

ҳурмат каби тарбиявий аҳамиятга молик қадриятларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Наврўз байрами руҳини намён этган спектакль миллий аънагаларнинг чуқур илдизларини ҳис қилиш имконини тақдим этди ва томошабинларга кўтаринки кайфият бағишлади.

М. УСМОНОВА.



Яйраб келди Наврўзим, Яшнаб келди Наврўзим!

»» Муштарий илҳоми

Биз билан ҳаёт гўзал



Дунёда бир зот борки, улар-сиз на ҳаёт бор, на ҳаётнинг маъноси... Бу АЁЛ! Ҳа, бу мўъжазгина хилқат дунё шодликлари-ю гамларини қарорларида опичлаб, асрлардан

асрларга олиб ўтувчи, меҳнатини на миннат этувчи, на давраларда дoston этувчи... Бир кўлида фарзанд, бир кўлида дунё тебратган ҳам АЁЛ. Оиласини обод этиб, мунис дилларга шодлик улашган ҳам АЁЛ!

АЁЛ... Бу аввалига ширингина қизалоқ бўлиб, соч попуқларига дунё шодликларини таққан, ота-онасининг эркатойи, ширин кулгуларига дилларни чароғон этувчи...

АЁЛ...бўй етиб, ўн саккизга кирганда, ўн саккиз минг оламни маҳлиё этиб, олам сарварларини жасоратга, муҳаббатга мубтало этувчи, шоирга илҳом бахш этиб, севувчи ва севилувчи. Ва бунга арзигулик...

АЁЛ... Она бўлиб, оилани яшнатувчи, келажакни яратув-

чи. Фарзанди учун минг ўлиб, минг тирилган, бедор тунларнинг ширин озорларини гўдаги иқболи учун бахшида этувчи. Чақалоқ кулгусида қалби кулиб, гўдак табассумида вужуди нурафшон тортган, Навоийларни улғайтириб, Бобурларга тарбия берган, Алпомишга алла айтган...

АЁЛ... Кексайганда сочларига оқ тушган буви. Юзи ёруғ, кўнгли хотиржам, дуолари ижобатгўй.

Аёлга таъриф йўқ. Аёлларга бошимиз ерга теккунча таъзим қиламиз.

Нодира АҲМЕДОВА,
Туркистон шаҳридаги
Ғ. Муратбаев номли
умумтаълим мактабининг
ўзбек тили ва адабиёти
фани ўқитувчиси.



Наврўз - эзгулик ва янгилашниш айёми

Юртимизга баҳор нафаси, яшариш ва янгилашниш руҳи билан кириб ташириб буюраётган Наврўз байрами билан барчангизни чин қалбдан самимий муборакбод этамиз!

Наврўз – азалдан табиат уйғониши, эзгулик ва поклик тантанаси, инсон қалбида янги орзу-умидлар кўртлаб ёздадиган кўтлуг айём сифатида қадрланади. Ушбу улуг шодиёна халқимизнинг бой тарихи, миллий анъаналари ва юксак маънавий қадриятларининг ёрқин ифодасидир.

Ушбу файзли кунларда юртимизнинг барча гўшаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, инсонлар уртасида меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжиҳатлик туйғуларини янада мустаҳкамламоқда. Кексаларга эҳтиром кўрсатиш, эҳтиёмландарга ёрдам бериш каби эзу ишлар Наврўзнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Баҳорнинг илқ нафаси барчамизга куч-гайрат, янги ютуқлар ва омадлар олиб келсин. Ҳар бир оилага бахт, соғлик ва файзу барака тилаймиз.

Тўлқин САИДМУРОДОВ,
Туркистон шаҳар УЭМБ қошидаги
Оқсоқоллар кенгаши раиси.

»» Қадрият

КўкЛАМОЙИМ БАРАКАСИ - ХОНАДОНЛАРГА ҲУЗУР

Ҳар бир халқнинг миллий анъаналарига, удумлари ва асрлар бўйи келадиган тарихий маданияти, мероси қадриятлари унинг дастурхониди ҳам ўз аксини топади. Шу боис бошқа миллатларда такрорланмайдиган, ўзига хос таъмга эга таомлар халқимизнинг бой маънавий қадриятларини ҳам намойён этади. Замоннинг шиддати туйғайли айрим хонадонларда миллий таомларимиз уй шароитида тайёрлаш камайгани кузатилаётган бўлса-да, бугунги кунда уларни буюртма асосида етказиб бериш анъанаси ҳам кенг ёйилмоқда. Айниқса, муборак Рамазон ойида дастурхонларимиз янада файзга тўлиб, унутилаётган ёки кам тайёрланаётган миллий таомларимиз қайтмоқда.


Севимли сумалакни фақат баҳорда тайёрлаш мумкин, бошқа мавсумларда у баҳорги тансиқликни бермайди, дейишарди бувиларимиз. Ёз чилласида ҳам сумалакни соғинган бўлсангиз, уздабуро аёлларимиз унинг ҳам эвидан чиқишарди, сумалакни хонадонингизга етказиб бериш хизмати ҳам жорий этилган.

Жорий йилги кўкламимизни ҳалим таомни бошлаб берди. Кўп тамаддиҳоналарда, айниқса, Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасида ушбу танқис ва кўп меҳнат талаб қиладиган таом халқимиз дастурхонининг беэзагига айланди. Ишбилармонларимиздан ҳатто ҳар кунни 11тагача қозонларда ҳалим тайёрлаб, унинг маълум қисмини кам таъминлаган, серфарзанд оилаларга ифторлик сифатида етказиб бериши ҳам таҳсинга сазовор.

Бундай саховатли ишлар халқимизнинг азалий фазилатлари – бағрикенглик ва инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир. Айниқса, 15 март – референдум кунини ҳам бу эзу анъана давом этади. Сайлов участкаларига келган фуқаролар баҳорий кайфият ва бирдамлик руҳини ҳис қилишди.

Жумладан, Шимкентнинг Сайрам даҳасидаги Исфиҳоб кичик туманида 244 ва 245 рақамли сайлов участкасида “Дўстлик” ҳамжамияти фаоли, Шимкент шаҳри ҚХА ҳузурдаги медиатор Аббос Шомирзаев ҳамда ошпаз Маъмуржон Азаматов сайловчилар ҳамда участка масъулларига ифторлик уюштиришди.

Маъмуржон Сайрамдаги таниқли ва моҳир ошпаз марҳум Маҳмуд отанинг фар-



занди ва шогирди бўлиб, оилавий анъаналарини давом эттираётган ўз касбининг усталаридан.

– “Ота касби – олтин касб”, деганларидек, отам ушбу касбни эгаллашимда менга устозлик қилди, – дейди Маъмуржон Маҳмуд ўғли. – Отамнинг изидан бориб, янгиликларимиз. Мактабни тамомлаб, ошпазликка ўқидим. Бугунги тадбирга хизматга тақлиф қилишди. Ҳозир 10 кило ош дам-ляяман. Иштирокчиларни, масъулларни ифторликка тақлиф қилишган. Санокли дақиқаларда қозонимизни очамиз. Айни кунларда “Достар” тўйхонасида фаолият юритяпман. 2010 йилдан буён ошпазлик соҳасида меҳнат қилаётган бўлсам, ушбу тўйхонада ишлаётганимга 8 йил бўлди. Ҳамюртларимнинг тадбирларида хизмат қилаётганимга ҳам 16 йилдан ошибди. Бу йил хўрандаларимизга ифторлик учун кўп таомларни киритдик. Ҳордик ва савдо марказларида урфга айланган “комбо” усу-

лида хизматларни тақдим этиш жорий йил бизнинг соҳага ҳам кириб келди. Аниқ бир нархга бир неча таомлар тақдим этиляпти. Ифторлик, сахарликларга ҳалим таомини тановул қилиш урфга кирди. Биз, ошпазлар ҳар кунни тайёрлаб, ҳамюртларимизга ушбу тансиқ таомни тақдим этияпмиз. “Пахтакор” даҳасидаги “Зухра” супермаркети қошида ҳар кунни 30 кило ҳалим тайёрляпмиз.

– Уй шароитида ҳалим тайёрлайман, деган бекаларга қандай тавсияларингиз бор?

– Ҳа, бу таомни хонадонларда ҳам тайёрлаш мумкин. Бир кило буғдойга мўлжаллаб қилинаётган ҳалимимизга 300 грамм мойни қиздириб, пиёз билан қовуриб оламиз. Кейин унга мўлжалланган гўштимизни соламиз. 1 кило буғдойга 2 кило гўшт микдорига солинади. 200 грамм нўхат ҳам қўшинг. Сув қуйгандан сўнг 7-8 соат мобайнида қайнатилади. Сўнг оловни кўтариб, тахминан 1-2 соат мобайнида тинимсиз қовлаб, тобиға етказилади. Ана, ҳалим ҳам тайёр. 1 кило буғдойдан тахминан 5-6 кило таом тайёр бўлади. Ҳар қандай замонавий ва тез тайёрланадиган кўча таомлари аждоқларимизнинг саховати, ихлоси ва маданиятини ўзида жамлаган қадриятларимиз асли – миллий таомларимиз ўрнини босолмайди. Бу жабҳада бизнинг ҳам хизматимиз мавжудлигидан мамнунман.

М. САЪДУЛЛАЕВА



Бирлигимиз - Бойлигимиздир

Азиз ва қадрли юртдошлар! Барчангизни баҳор нафаси, янгилашниш ва яшариш тинчлиги бўлган улуг айём – Наврўз байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман!

Наврўз – асрлар давомида халқларимиз дўстлиги, аҳиллиги ва эзгу анъаналарининг ёрқин ифодаси бўлиб келадиган муборак шодиёнадир. У инсонларни меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликка чорлайди, қалбларга илқлик ва умид бағишлайди.

Бугунги кунда Ватанимизда турли этнос вакиллари тинч ва толув, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликда яшаб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу эса бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Ушбу кўтлуг айёмда ҳар бир хонадонга файз ва барака, тинчлик ва фаровонлик, бахт-саодат тилайман. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, халқимиз ҳаёти фаровон бўлсин!

Шопўлат БОЙМЕНОВ,
Сайрам туман УЭМБ раиси.



Юртимизга тинчлик бўлсин!

Юртимизда уйғониш, яшариш, янгилашниш айёми – Наврўзи олам нафаси уфуриб турибди. Она диёримизга барчамиз орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар фасл – баҳор кириб келди.

Халқимиз ушбу кўтлуг шодиёнани йил сайин ўзгача шукҳ ва кайфият билан қарши олади. Аллоҳга шукри, она юртимиз тинч, мамлакатимиз обод. Ана шундай юртнинг обод манзилларида сизу биз азалий айём – Наврўзи оламни зўр қувонч ила қарши олмақдамиз. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, сизларни янгилашниш ва яшариш байрами билан муборакбод этамиз.

Юртимиз равнақи ва халқимизнинг фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзу ишларингизда омад ёр бўлсин! Мана шу кўтлуг кунларда сиз, азизларга, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Ғани БУРТАЕВ,
А. Навоий номли мактаб директори.
Тулқибош тумани.

Берунийнинг “Аттафҳим” китобида эронликлар йилдаги биринчи ой – Фарвардиннинг дастлабки кунни Хумруз деб атаганини ва у подшоҳ Наврўзи, яъни Янги йил эканлигини ҳамда шу ойнинг олтинчи кунни – Хурдодни Катта Наврўз деб нишонлаганларини қайд этган. Демак, бундан келиб чиқадикки, қадим Наврўз бир ҳафта, аниқроғи, олти кун байрам қилинган.

21 МАРТ – ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИДА...

Баҳорий янги йилнинг кириб келишида бир хосият борга ўхшайди. Зеро, 21март кунни дунё халқлари нафақат Наврўзни, балки ўндан зиёд маросимларни ҳам тантана қилишади...

ИРҚИЙ КАМСИТИШГА ҚАРШИ

“Халқаро ирқий камситишни тугатиш учун кураш кунини” 1966 йил 26 октябрда ўтган БМТ Бош

НАВРЎЗ ҚАДИМДА ҚАНДАЙ НИШОНЛАНГАН?

Ассамблеясининг XXI сессияси қарорига биноан, ҳар йили 21 мартда нишонланади.

ОНАЛАР КУНИ

Яқин Шарқдаги араб мамлакатлари (Миср, Ливан, Иордания, Сурия, Баҳрайн) 21 мартда “Оналар кунини” нишонлайди. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари “Оналар кунини”ни йилнинг турли пайтларида нишонлашади.

БУТУНЖАҲОН ШЕЪРИЯТ КУНИ

2000 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг XXX сессиясида Бутунжаҳон шеърият кунини 21 мартда нишонлашга қарор қилинди.

“ДАРАХТ КУНИ”

Азалдан Италияда инсоннинг табиат билан уйғунлиги байрам сифатида қайд этилиб, “Дарахт кунини” илк бор 1898 йилда таълим вазири Гвидо Бачелли ташаббуси билан нишонланган. 1923 йилда ушбу анъана ўрмон қонунчилигига киритилди.

ХАЛҚАРО ҚЎГИРЧОҚБОЗЛАР КУНИ

Бутун дунёда “Халқаро қўғирчоқбозлар кунини”ни нишонлаш гоёси қўғирчоқ театрининг таниқли арбоби – эронлик Живад Золфагарихога тегишли. У 2000 йили Магдебургдаги УНИМА XVIII конгрессида бу тақлифни муҳокамага қўйди.

“Кўғирчоқбозлар байрами” анъанасини 2003 йил 21 мартда бошлаб берди.

ШУНИНГДЕК:

Ироқда – Баҳор кунини. Лесотада – Кучат ўтқазиш кунини.

Малайзияда – Султон Теренганг кунини.

Намибияда – “Мустақиллик кунини” (1990).

АҚШда – Қишлоқ хўжалиги кунини.

Тунисда – Ёшлар кунини. Жанубий Африкада – Инсон ҳуқуқлари кунини.

Интернетдаги очик манбала асосида
М. УСМОНОВА
тайёрлади.



Туркистон - бирлик ва тараққиёт маркази

Мустақил Қозоғистонимиз 35-март Наврўзи оламни нишонламоқда. 15 март кунги референдумга барча этносларнинг фаол иштироки жамиятимиздаги ҳамжиҳатликдан далолат.

Давлатимиз сиёсатини халқимизга она тилимизда етказиб берган "Жанубий Қозоғистон" нашри мустақиллик тенгдоши сифатида 35 ёшга тўлмоқда. Шу саналарга атаб "Туркистоннинг табаррук қадимжолари" китобини нашр этмоқдамиз. Элимизда бирлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик барқарор экан, байрамларимиз, шодиёналаримиз мўл.

Жаҳон аҳлига муштарак Наврўзи олам муборак, азизлар.

Райимжон КҮЧҚОРОВ,
Туркистон шаҳар УЭМБ раиси.



Наврўз шодиёнаси аҳамияти залворли

Барча ҳамюртларимизни, 35 ёшдаги "Жанубий Қозоғистон" газетаси муштарыларини Наврўзи олам шодиёнаси билан самимий муборакбод этаман.

15 март кунги умумхалқ референдумида барчамиз янги Конституцияни, демократи, келажакимизни қўллаб, овоз бердик. Ушбу асосий қонун бўйича давлатимиз Қозоғистон халқи тилларининг, хусусан, ўзбек тилининг қўлланишига ҳамхўрлик кўрсатади. Энг муҳими – мамлакатимизда тинчлик, ҳаловат ва эртанги кунга ишонч барқарор.

Санобар САМИЕВА,
Кентов шаҳар УЭМБ раисаси.



Наврўз айёми - деҳқончилик ишлари бошланиши ҳамдир

Собиқ Туркистон, ҳозирги Саврон тумани қишлоқ хўжалиги ходимлари янги ҳосил учун қилган ишонч ила деҳқончилик ишларини бошладилар. Сув – ҳаёт манбаи. Минтақамизда янги сув омборлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётганлиги мўл ҳосил гаровидир. Наврўз шодиёнаси ила эл дастурхони ризқ-рўзини яратаётган қадрли деҳқон аҳлини самимий табриқлаб, мустақкам саломатлик, ҳаловат ва хирмонга барака тилайман.

Курбонбой ИРИБЕКОВ,
Саврон тумани УЭМБ раиси.

>>> Хотира – муқаддас



ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ФАОЛ ҲАМҲАМҲАМ ЭДИ

Туркистон шаҳар УЭМБнинг биринчи раиси, шоир Эрнатар Рўзиматов, шу ташкилотни бунёд этишда хизматлари мўл жамоат арбоби Эркин Жўрабеков ҳамда ҳуқуқшунос Ирисқул Айметов билан жамоат ишларида фаоллик кўрсатган, "Жанубий Қозоғистон" газетасининг эътиқодли муштарыларидан бири Сирожиддин Убайдуллаев эди.



У Чипон қишлоғида таниқли механизатор Икром Убайдулла ўғли ва Зиннат Абдували қизи хонадонининг тўнғич фарзанди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги олийгоҳини агрономия соҳаси бўйича тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Юнган қишлоғидаги "Коммуна" колхозида агроном бўлиб бошлаган. "Казсельхозхимия", ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ташкилотларида масъул лавозимларда ишлади. ҚР қишлоқ хўжалиги вазирлиги агрономат мажмуалари давлат инспекциясининг Туркистон минтақавий инспекциясида самарали меҳнат қилди. Туркистон шаҳридаги А. Навоий номи мактаб ота-оналар қўмитаси раиси сифатида кўп хайрли ишларни амалга оширди. "Жанубий Қозоғистон" нашрининг юбилей тадбирлари ҳамда Шимкентдаги Абай истироҳат боғида ҳар йили кузда ўтадиган ўзбек халқининг тили, маданияти, анъ-



аналари байрамига Туркистон шаҳар УЭМБ хайъатининг аъзоси сифатида фаол иштирок этарди. Жаҳонга таниқли ҳофиз Шерали Жўраев Туркистонда концерт дастурини намойиш этганида талабалик давридан яхши таниши бўлган Сирожиддин Убайдуллаевга иззат тариқасида кўшиқ ижро этганлиги шонли тарих. Кўп йиллик самарали меҳнатлари давлат ва жамоат ташкилотларининг кўрақ нишони, ташаккурномалари билан муносиб тақдирланган.

Сирожиддин Икром ўғли умр йўлдоши, олий тоифали, тажрибаси мўл болалар шифокори Матлуба Ҳалил қизи билан Шавкат, Нуриддин, Элдор, Иродахон исмли олий маълумотли, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган қобил фарзандлар тарбиялаб, неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиб эди.

Сирожиддин Икром ўғлининг нури хотираси уни билган ва қадрлаган барча инсонлар, хусусан, "Жанубий Қозоғистон" муштарылари қалбидан мангу барҳаёт.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Падари бузруквори Икром ҳожи ота билан; деҳқонлар даврасида; Туркистон шаҳридаги Есимхан номи майдонда невараси билан.

Хусан УБАЙДУЛЛАЕВ тасвирлари.

БОҒДОРЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ - ЗАМОНАВИЙ БОҒЛАРДА

Дунё мамлакатлари боғларида олма дарахтлари доимо алоҳида меҳр билан парваришланиб, турли муддатларда пишиб етилувчи, таъми ва шакли бир-бирига ўхшамаган мевалар етиштирилади. Аслида, олмадан кўра қадимроқ ва таъми хушбўй мевани излаб топиш қийин.

Олма деганда, инсон организми учун зарур моддаларга бой хушбўй мева кўз олдимизга келади. У бутун дунё халқлари севиб истеъмол қиладиган мевалардан бири.

Дунёда 700дан зиёд олма навлари бўлиб, у мевалар ичида энг кўп тарқалган хи-собланади. Бу мева таркиби инсон организми учун фойдали дармондориларга бойдир.

Ер юзи аҳолисининг катта қисми ҳар қандай мевадан кўра, олмани севиб истеъмол қилади, шу боис, ушбу мевани етиштириш ҳажми йилдан йилга ортмоқда.

Ўтган йил натижаларига кўра, жаҳон мевачилигида олма етиштириш бўйича Хитой етакчи ўринда. Иккинчи ўринда эса Европа Иттифоқи давлатлари туради. Учинчи ўрин – АҚШга тегишли. Бу давлат 12,6 миллион тонна олма экспорт қилди. Кейинги 4-5 ўринларни Туркия ва Ҳиндистон эгаллаб турибди.

Ушбу меванинг кенг тарқалиши унинг турли тупроқ-иқлим шароитларига тез мослашувчанлиги, дарахтнинг чидамлилиги, ҳосилдорлиги, шунингдек, мевасининг фойдали хусусиятлари ва маҳсулот сифати юқори тижорий қадр-қимматга эга эканлиги билан белгиланади.

Хитойнинг бир неча вилоятларида боғдорчилик кенг ривожланган. Олмачилик бўйича алоҳида шуҳрат қозongan қишлоқнинг номи Лянцзяхэ. Хитой давлати раҳбари Си Цзиньпин ёшлигида бу вилоятда ишлаган ва ўн чақирим олиндаги кутубхонада кўплаб китоблар ўқиган. Орадан вақт ўтсада, давлат раҳбари бу қишлоққа боришни ва одамлар билан суҳбатлашишни канда қилмаган. Навбатдаги ташрифларидан бирида у бир боғбон билан учрашиб, суҳбатлашади. Деҳқон унга: "Олмазорим туфайли катта даромад оляман, ўзимга тўқ яшайман, аммо ёнимдаги деҳқонлар маккажўхори ва тариқ экиб, бозори касодга учраяпти", дейди.

Бу гапни эшитган давлат раҳбари шу қишлоқдаги барча деҳқонларга боғдорчилик билан шуғулланишни тавсия қилади. У навбатдаги ташрифидан қараса, қишлоқнинг кўчалари обод, одамларнинг уйлари муҳташам, турмуш даражаси яхшиланганини кўради.

Айрим маълумотларга кўра, бугун дунёда етиштирилаётган ҳар етита олманинг бири ана шу вилоятнинг боғларида етиштирилади. Бугун ушбу вилоятда ҳашаматли уйлар кўп, одамлар ушбу меванинг экспорти туфайли мана шундай шароитга эришган.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Президентимизнинг замонавий боғлар ташкил қилиш борасидаги қарори долзарб ҳужжатдир. Замонавий боғлар ташкил этиб, унинг маҳсулдор-

лигини ошириш замон талаби. Деҳқонларимиз замонавий боғлардан олинандиган ҳосилнинг сифати ва маҳсулдорлигини ошириш учун ўқиб изланишлари ва янги замонавий технологиялардан воқиф бўлишлари лозим. Бугунги кунда мамлакат боғдорчилигида мевали дарахтлардан ҳосил олишнинг замонавий усулларини йўлга қўйиш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу қисқа муддатда ҳосилдорликни 2-3 баравар ошириш имконини беради. Масалан, оддий мевали дарахтларнинг кўчатини ўтказиб, биринчи ҳосилни олгунча 4-5 йил вақт ўтади, замонавий боғдорчиликда эса дарахтлар 2-3 йилда мева беради.

Оддий боғларнинг гектаридан 50-100 центнер, замонавий боғлардан эса 500 центнергача ҳосил олинади. Шу боис, деҳқонлар замонавий технология асосида иш юритишни маъқул кўрмоқдалар.

Тошкент шаҳрида Шредер номли боғдорчилик институтини тамомлаб, нафақага чиққунга қадар "1 Май" давлат хўжалигининг Алишер Навоий бўлимчасида ишладим. Боғдорчиликда тажриба алмашиш улкан аҳамиятга эга. Шу боис, Тўлебий, Тулкибош ва Келес туманлари боғбонлари билан учрашиб тураман.

"Қазығўрт бақтары" ижтимоий тадбиркорлик корпорацияси раҳбари Ержан Мадибеков билан учрашувимизда хўжалиқда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништирдим.

– Бундан беш йил муқад-



бозорларимизда сархил ва арзон мевалар кўпаймоқда, бу ҳам аҳоли фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тўлебий туманида собиқ Иттифоқ даврида боғдорчилик ривожланган эди. Улуғ Ватан уруши йилларида тумандан минглаб вагон мева жўнатилган. Бу ерда етиштирилган олмалар Москвадаги Халқ Хўжалиги Ютуқлари Қўргазмасида юқори баҳоланган. Боғбонлар ҳосилни териб олишга улгурмаганлиги боис шаҳарликлар ёрдамга қақирилган. Тажрибали боғбонлар туманда ҳозир ҳам етарли. Улар тумanning боғдорчилик билан боғлиқ бўлган илгариги довруғини тиклаш ҳаракатида.

Давлатимиз раҳбари «ақлли» қишлоқ хўжалиги учун автоматлаштирилган тизимлар ва технологияларни оммалаштиришни топширди. Бу қишлоқларда боғдорчиликни ривожлантиришни янги босқичга кўтади. Аҳоли йилдан йилга кўпайиб, сув, электр энергияси ва бошқа табиий захираларимизнинг чекланганлиги сезил-



дам вилоятимизга Туркия ва Польша мамлакатларидан серхосил ва тезпишар мевали дарахт кўчатлари келтирилганди. Деҳқонларимиз ана шу кўчатларни экиб, 300 гектардан ортиқ майдонни мевали боғларга айлантиришди.

Дастлаб кўчатларнинг тўлиқ ҳосил беришига кўпчилик ишонмаганди, аммо тажрибали боғбонларимиз меҳнати ва мутахассислар маслаҳатлари билан улар иқлимимизга мослашди ва кутилгандек самара бера бошлади, – деди у.

1 Мамир қишлоқ округидаги деҳқон хўжалиқларида замонавий боғлар томчила-тиб суғорилмоқда, бу сарфоти туфайли мана шундай шароитга эришган. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Президентимизнинг замонавий боғлар ташкил қилиш борасидаги қарори долзарб ҳужжатдир. Замонавий боғлар ташкил этиб, унинг маҳсулдор-

моқда. Демак, «ақлли» қишлоқ хўжалигининг аҳамияти юксак.

Собиқ Иттифоқ даврида аҳоли томорқасида ҳам турли мевалар етиштирилиб, ҳақ эвазига давлатга топширилди. Ҳозир ҳамма мевани бозордан сотиб олади. Демак, унutilаётган ушбу аънанани ҳам тиклаш зарур. Кўп қишлоқларда кўчат етиштириш билан шуғулланадиган тадбиркорлар бор. Лекин улардан кўчат сотиб олганлар кўп ҳолларда экиш ва парвариш пайтида хатога йўл қўйишади. "Бўйи бир қарич бўлиб кўчатлар гуллаб турибди, олаверайми?", деб сўради бир қўшним.

Бундай кўчатни икки хил усулда кўчирса бўлади. Оддий, яъни тупроқсиз ва тупроғи билан кўчириш усули. Тупроқсиз усулда имкон қадар кўпроқ илдииз қисмидан кенгрок казиб олиш талаб этилади. Янги жойдаги чуқур эса дарахт илдиизи ҳажмидан каттароқ бўлиши керак. Аммо бунда

дарахтнинг гуллари юз фоиз тўкилиб кетади. Бироқ экилган жойи мўл-кўп қилиб суғорилса, ўзини тутиб кетиши мумкин. Парваришига эътиборли бўлиш талаб этилади. Суғориш натижасида тупроқ орасидаги бор ҳаво чиқиб кетиши зарур. Тўғри, дарахт кучсизланиб, касалликларга ҳам чалиниши мумкин. Сабаби, шу дамда дарахт бутун кучини уйғониш, янги илдиизчалар чиқариш ва гуллашга сарфлайди. Уйғонган ва танасида сув юра бошлаган бўлади.

Тупроғи билан кўчириб ўтқизиш эса, бирмунча қийинроқ. Аввало, уни имкон қадар кўпроқ тупроғи билан кўчириш керак бўлади. Бундай катта ҳажмли иш учун эса, махсус техника зарур. Ҳаммада ҳам бундай имконият йўқ. Баҳорда кўчирилаётганда кўчатнинг тупроғи тез сочилиб кетади. Кузда эса тупроқ ёпишқоқ бўлади.

Шунингдек, гуллаш жараёни тугаб, барг ёзиш ва ривожланиш палласи бошланганда кўчириш тавсия этилмайди. Кўчат қуриб қолиши мумкин.

Кўчатларни Наврўз байрамига қадар эккан маъқул, ундан кейингилари яхши тутиб кетиши қийин бўлади. Гап шундаки, +4 даража ҳароратда тупроқда жонланиш ва ҳаракатлар бошланади. Бу кўпроқ йилнинг қандай келишига ҳам боғлиқ, албатта. Масалан, бу йил қиш анча илиқ келди. Шу боис тупроқда эрта жонланиш бошланди. Натижада ўрик ва шафтолилар эрта гулга киришга улгурди. Аммо бунда баҳорги қора совуқлар хавфи барибир қолаверади. Баъзи йиллари ҳаво ҳарорати паст келади ва Наврўзга қадар ҳам тупроқда ҳаракат бошланмаслиги мумкин. Ҳуллас, тупроқда ҳали ҳаракат бошланмай туриб кўчатлар экилса, юз фоиз тутиб кетишига умид қилса бўлади.

Кўчатлар махсус салқин жойда, бир хил ҳароратда сақланган ва илдиизлари оқ томичалар чиқармаган бўлса, уларни йилнинг истаган пайтида экиш мумкин. Оқ томичалари чиққанлари борасида бундай деб бўлмайди. Сабаби, улар жуда мўрт бўлгани учун экиш чоғида синиб кетади. Натижада уларнинг тутиб кетиши жуда қийин кечади.

Республикада ҳам, вилоятда ҳам боғбонлар жамияти бор, уларнинг фаолиятини жонлантириш зарур. Бу экин майдонларини самарали бошқариш ва боғдорчиликни ривожлантиришда ҳал қилувчи омил бўлади.

Давронбек АБУБАКИР ўғли,
боғбон, меҳнат фахрийси.
Тўлебий тумани.

»» Дўст билан обод уйинг

БИЗГА ТАРЖИМОННИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ

Қозоқ ва ўзбек халқларини азалдан чамбарчас боғлаб турган дўстлик ва биродарлик ришталари чуқур тарихий илдишларга эга. Бу икки қардош халқ асрлар давомида бир ҳудудда яшаб, ўзаро ҳамжихатлик, ҳурмат ва қўшничилик анъаналарини асраб-авайлаб келмоқда. Уларнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари, тили ва маданиятидаги ўхшашликлар бу яқинлиқни янада мустаҳкамлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.



Бугунги кунда ҳам ушбу тарихий дўстлик муносабатлари янги мазмун билан бойиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Айниқса, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, маданий-маърифий алмашинувларни йўлга қўйиш борасида амалга оширилётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражага кўтариллишида давлат раҳбарларининг ўзаро ишончи ва қатъий сиёсий иродаси муҳим ўрин тутмоқда. Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган очиқ ва самарали сиёсат туфайли қардош давлатлар ўртасидаги стратегик ҳамкорлик муносабатлари янада мустаҳкамланмоқда.

Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси сезиларли даражада ўсди, қўшма корхоналар сони ортмоқда. Транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, сайёҳ ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда. Шу билан бирга, икки халқ орасида маданий фестиваллар, илмий анжуманлар ва таълимий дастурлар орқали ўзаро алоқалар янада мустаҳкамланмоқда.

Албатта, бундай ҳамкорлик икки давлат манфаатини кўзлаган ҳамда бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда. Қозоқ ва ўзбек халқларининг кўп асрлик дўстлиги келгусида ҳам янада мустаҳкамланиб, ўзаро ҳамжихатлик ва тараққиёт йўлида янги ютуқларга замин яратиши шубҳасиз.

Тарихий дўстлик, ўзаро ишонч ва қўшничилик муносабатлари асосида ривожланаётган Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги икки халқнинг фаровон келажаги учун мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилаверади.

Азиза АВАЗОВА,
55-сонли С. Айний номли мактаб ўқитувчиси.
Мақтаарал тумани.

САХОВАТ ТАДБИРИ ЎТДИ



Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида саховат тадбири ўтди. Ушбу акция доирасида "SAHIY" хайрия жамғармаси томонидан 15, "Адал кемак" хайрия жамғармаси томонидан эса 150 оилага озиқ-овқат саватлари тарқатилди.

Хайрия тадбирида иштирок этган саховатпеша ҳомиляр халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик ва бирдамлик фазилатларини намоён этдилар.

3. МҮМИНЖОНОВ.

»» Муштарийлар илтимосига биноан

ТИЛСИМИ КЎП ТАБИАТ

Кўкларнинг биринчи ойи илк ҳафтаси илиқ келди. Мевали дарахтлар қуртак очиб, гулга кириш арафасида ёққан кучли ёмғир орти қорга уланиб, совуқлар бошланди.

Синоптиклар башорати тасдиқланди. Муштарийларимизнинг мевали дарахтлар ҳосили тақдирини нима бўлиши хусусидаги ўринли саволлари асосида Янги йилнинг олий маълумотли, тажрибали боғбон Олим Қосимовга мурожаат этдик.

– Март ойидаги илиқ ва совуқ ҳаво оқими алмашинуви минтақамизда кўп йиллик ҳолат. Бундан кучлироқ совуқлар ўтиб, пировадиди дарахтлар мўл ҳосил берганини кўп марта кузатганмиз. Тунги манфий ҳарорат кундузги мусбат кўёшли об-ҳавога уланса, хавотирга ўрин йўқ. Бу сафар ҳам яхши ният қилайлик, иншааллоҳ, – деди кекса боғбон ишонч билан.



Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: ўрик новдаларида муз қотди.

Муаллиф тасвири.

»» Қадрият

Шимкент шаҳридаги Марс Елекеев раҳбарлик қилаётган аграр-техника коллежининг ижтимоий-педагог Хилола Қўрғонбоева, педагог-руҳшунноси Ўткирбек Ниёзматов, ёшлар кўмитаси раисаси Гулнора Парпиева ҳамда кутубхоначи Зиёда Турсиметова ташаббуси билан шу мавзуда маърифий учрашув ташкил этилди.

Тадбирда коллеж ўқитувчилари ва талабаларидан ташқари, ота-оналар кўмитаси раиси А. Исроилов, ўринбосари Т. Раҳмоншиқов, Енбекши тумани хотин-қизлар кўмитаси раисаси Л. Алхамшиқова, Сайрам даҳаси хотин-қизлар кўмитаси аъзоси К. Ирismetова ҳамда коллеж қошидаги "Дана ёждер" клуби аъзоси, "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси муҳбири М. Усмонова иштирок этишди.

Тадбирни очган коллеж ёшлари кўмитаси раисаси Г. Парпиева ёшлар маънавиятини шакллантирадиган муҳим омил – таълим-тарбия тизимининг аҳамиятига алоҳида тўхтади. У инсон камолоти, юртимиз тараққиёти ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлади.

“КЕКСА АВЛОД ДОНОЛИГИ – ЁШЛАР ТАЯНЧИ”



Сўнг турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, эл эътиборини қозongan меҳмонлар ёшлар билан ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Коллеж устозларининг асосий мақсади – ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук, малякали мутахассис сифатида тарбиялаш эканлиги алоҳида қайд этилди.

Йигит-қизларнинг мустақил

ҳаётга қадам қўйиши, жамиятда ўз ўрнини топиши, меҳр-оқибат, ор-номус, андиша ва олижаноблик каби инсоний фазилатларни шакллантиришда маҳалла, ота-она, устозлар ҳамда нуруний отахон ва онахонларнинг ўрни бекиёсдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, бундай маърифий ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишга, уларни турли мавкура-

вий таҳдидлардан асрашга ва мустақил фикрловчи баркамол авлод сифатида тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, кекса авлоднинг ҳаётий тажрибаси ва донолиги ёш авлод учун келажакка йўлланма, мустаҳкам таянч бўлиб қолаверади.

Х. ҚўРҒОНБОЕВА,
ИЖТМОИЙ-ПЕДАГОГ.
А. ЭРҒЕШОВ тасвирга олган.

Эл равнақи йўлида

Ташаббускор, фидойи ва меҳнаткаш инсонлар эзгулигини доим атрофидагиларга эзгулик илиниб яшайди.

Саврон тумани Қорачиқ қишлоғи ўЭМБ раиси Саъдулла Абдуллаев халқининг шундай фидойи фарзандларидан. Қорачиқ қишлоғида туғилиб, вояга етган Саъдулла Абдумуталлиб ўғли 25 йилдан буён савдо соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. Туркистон шаҳридаги "Miss Lady" савдо дўконлари тармоғи соҳиб. Вилоят марказидаги халқаро "Turkistan" телеканали ходимлари, телебошловчилари ҳамда суҳандонларига ҳомилик қилиб, саховатпешалик кўрсатаётган ҳамюртларимиздан.

Саъдулла Абдумуталлиб ўғли Тошкент Алоқа институтини тамомлаган. 1995 йили она қишлоғи телевидениеси фаолиятининг тамал тошини қўйди. 2000 йилга қадар қорачиқликлар қишлоқ телевидениесининг кўрсатувларини томоша қилишга муваффақ бўлишди. Маҳаллий янгиликлар, концертлар эфирга узатиларди.

– Ўша йилларда телеминорага Хўжааҳмад Ёқубов раҳбарлик, Қаҳҳор Абдуллаев эса муҳандислик қиларди. У кишидан миннатдорман. Бир неча йил мобайнида зарур ускуна ва анжомларни бизга бепул тақдим этди. Қорачиқ, Иқон, Қарноқда жами 3та телеканал бўлиб, ўз қишлоқларига она тилимизда кўрсатувларни узатишарди. Қорачиқда телевидениени



– Яқинда Қорачиқ қишлоғининг ўЭМБ раислиги вазифасига киришдим, – дейди С. Абдуллаев. – Собиқ раисимиз Мирзахон Адхамов Саврон тумани ўЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгашини бошқармоқда. 20 йилимизни Бойқўнғирда ўтказдик, у ерда ҳам савдо соҳасида фаолият юритдик. Ушбу бренд асосида фаолият юритаётганимизга 5 йил бўлди. Шу кунларда савдо марказимизда қарийб 20 нафар қизлар фаолият юритяпти. Туркистон шаҳрининг "Ханшайи Plaza" савдо марказида ҳам дўконимизни очганмиз, у ерда ҳам ходимларимиз бор. Савдо марказларимизга кунига 800га яқин миқоз ташриф буоради. Қўшни Қизилўрда вилоятдан ҳам меҳмонлар келиб, биздан улгуржи баҳода кийимлар харид қилишади. Оилавий бизнесимизни юритишда менга умр йўлдошим ёрдам бермоқда.

ишга туширишга ҳиссам борлигидан мамнунман. Ҳар кун эрталаб 2 соат, оқшом пайтлари 3 соат ўзбек тилида кўрсатувлар намойиш этиларди. Х. Ёқубов ҳамда Қ. Абдуллаев Тошкентдаги ОТМни тамомлаб келишимиз менга иш ўрнини тайёрлаб қўйишган экан. Қарийб беш йил мобайнида уни бошқардим. Жамоа хўжалигининг молиявий ёрдами билан қишлоқ телевидениеси фаолият юритди. Маъмур Эрматов телевидениемизда видеооператорлик қилди. Сабоҳат Қўшонова, Умида Аҳмедова янгиликлар дастурининг суҳандонлари эди. Кўрсатувларимизни қишлоқ аҳолиси томоша қиларди.

– Қишлоқ ўЭМБ раҳбарлигига жорий йил бошида сайланингиз, қандай режалар билан ишга киришингиз?

– Марказий масжидимиз қошида ташкил этилган "Қуръон курслари" битирувчиларига совгалар тақдим этдик. 60 ёшдан



ошган онахонларга ҳам байрам тадбири уюштирилди. М. Адхамов раҳбарлик қилган даврда ҳам йилни шундай тадбирлар билан бошлардик. 2022 йили Қорачиқда Туркистон шаҳар китобсеварлар клубининг бўлими ташкил этилди. Уни айни кунларда Музаффар Марайимов бошқармоқда ҳамда Дилшод Исмоилов билан бирга жамоат ишларини олиб боришда менга ўринбосар. Мақсадимиз – ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва уларни турли танловларга жалб этиш. Қорачиқ қишлоғидаги 4 мактабнинг ўқувчилари китобхонлик мусобақаларида фаол иштирок этишяпти. Аълочилар ҳамда фаол ўқувчиларимиз учун Алматы, Астана шаҳарларига саёҳатга бориши уюштирилади. Жорий йилдан эътиборан, фаол болаларнинг саёҳатга борадиган шаҳарлари рўйхатини янада кенгайтирдик. Бу йил улар учун Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирамиз. Китобсеварлар клубида мутолаа билан машғул бўлиб, унинг муҳокамаларида фаол қатнашаётган ёшларимиз сафи кун сайин кенгаймоқда. Қишлоғимизнинг фахри Қорачиқ қишлоғидан Қозоғистон ССР Олий кенгаши депутатлигига сайланган нурунийларимиздан – Мағфират Ҳаётова ҳамда Аяжон Нуриддиновнинг дуолари, маслаҳатлари ҳамда кўрсатмалари билан жамоат ташкилотининг раҳбарлиги фаолиятини бошладик.

М. САЪДУЛЛАЕВА

»» Қонун ва тартибот

Уни ноқонуний текширувлардан ҳимоя қилиш ва тадбиркорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқий статистика ва махсус ҳисоб кўмитаси «Qamqor» мобил иловасини ишга туширди Унинг ёрдамида тадбиркор ҳуқуқий статистика идораларининг <http://qamqor.wov.kz> портали орқали текширувлар ва бошқа зарур ахборотлар буйича батафсил маълумот олишлари мумкин.

БИЗНЕС ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Бундан ташқари, статистикага кўра, 2025 йилда Туркистон вилоятида давлат идоралари томонидан жами 7027та текширувлар олиб борилган.

Улардан 2 788таси хусусий тадбиркорлик субъектларига, жумладан, 2272та кичик тадбиркорликка (1167 кичик фирма), ўрта тадбиркорликка – 331, 185таси йирик тадбиркорликка таинланган.

Жорий йилнинг январь ойида 200дан зиёд текширув қайд этилган. Улардан 114таси хусусий тадбиркорлик субъектига,

жумладан, 91та – кичик тадбиркорлик (22та кичик фирма), 19таси ўрта бизнес ва 4таси йирик бизнесга таинланган.

2025 йил Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқий статистика ва махсус ҳисоб кўмитасининг Туркистон вилояти бўйича департаменти томонидан 35та ноқонуний текширув аниқланган ва назорат идоралари томонидан тегишли чоралар кўрилган.

А. ТҮРЕБЕКОВ,
департамент раҳбари.

